

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚУРБОНОВ МУХИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР**  
**МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ**  
**АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИДАН ТАШҚАРИ)**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич**

Ўзбекистонда давлат мақсадли жамғармалар маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш (пенсия жамғармасидан ташқари) .....5

**Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич**

Совершенствование практики формирования и использования государственных целевых фондов в Узбекистане (исключая пенсионный фонд).....27

**Kurbanov Mukhiddin Abdullaevich**

Improving the practice of forming and using state trust funds in Uzbekistan (excluding the pension fund).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати.....52

Список опубликованных работ.....52

List of published works .....52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚУРБОНОВ МУХИДДИН АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР**  
**МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ**  
**АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**(ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИДАН ТАШҚАРИ)**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt1220 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тошматов Шухрат Аманович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бурханов Ақтам Усманович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Атаниязов Жасур Ҳамидович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ  
ислохотлари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: info@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**

Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

**С.К. Худойқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
семинар раиси, и.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ривожланган давлатларда аҳолисининг демографик ўзгариши, иқтисодиёт ривожланиши билан аҳолининг турмуш тарзи яхшиланиши натижасида уларнинг ўртача умр кўриш ёшининг ошиб бораётганлиги ва меҳнат фаолияти билан банд аҳолига нисбатан нафақахўрлар улуши юқорилиги давлат мақсадли жамғармаларидан самарали фойдаланишнинг зарур шарти ҳисобланади. Айрим тараққий этган мамлакатларда авлодлар бирдамлигига асосланган фондлар тизимидан жамғариб бориладиган нодавлат фондлар ташкил қилинганлиги мазкур мақсадли жамғармалар самарадорлигини оширмоқда. Шунингдек, мақсадли жамғармалар молиявий даромадларини оширишда жамғарма маблағларининг инвестицион фаолиятини шакллантириш ва уларни самарали бошқариш механизмлари яратилганлиги жамғармалар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ривожланаётган давлатларда мақсадли жамғармаларни бошқариш, молиявий ва инвестицион операциялар самарадорлигига қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур илмий тадқиқот ишларида мақсадли жамғармалар молиявий ресурсларининг самарадорлиги, кутилаётган рискларни баҳолаш ва бошқариш масалалари эмпирик таҳлиллар орқали ёритиб берилган. Бироқ давлат мақсадли жамғармаларининг шакллари, турлари, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, жамғармалар бўш турган пул маблағларининг инвестицион фаолиятга йўналтирилиши, хусусан, евробондлар харид қилиш ва бундай операциялар riskини баҳолаш ҳамда мақсадли жамғармалар фаолиятининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти масалалари етарлича ёритиб берилмаган. Хусусан, давлат мақсадли жамғармалари шаклини кўпайтириш, солиқ тўловчилар учун уларнинг шаффофлиги таъминланлаш, давлат мақсадли жамғармаларига маҳаллий ва хорижий инвесторлар жалб этиш ҳамда мазкур жамғармалар даромад ва харажатларининг барқарорлигини таъминлаш масалалари долзарблигини сақлаб қолмоқда. Буларнинг барчаси давлат мақсадли жамғармалар маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда давлат бюджети ва мақсадли жамғармалари фаолиятини кучайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш мамлакат ривожланишини таъминлашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Республикамизда бевосита давлат мақсадли жамғармалари фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган қуйидаги асосий вазифалар кўрсатиб ўтилди. Хусусан, “Аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва oilаларнинг даромадини ошириш, инсон капиталига эътиборни кучайтириш, хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда турли инфратузилмаларни яхшилаш ва бошқалар”<sup>1</sup>. Бу эса ўз навбатида, давлат

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2020 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим

мақсадли жамғармаларининг мазмун-моҳияти ва вазифаларини чуқурроқ тадқиқ этишни талаб этади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПФ-4954-сон “Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 9 декабрдаги ПФ-5890-сон “Йўл хўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон “Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2775-сон “2017-2018 йилларда минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш дастури тўғрисида”ги, 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сон “Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2010 йил 11 августдаги ПҚ-1387-сон “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурс базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон “Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур йўналишдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни манавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мақсадли жамғармалар тизими соҳасида хорижий давлатлар олимлардан А.Смит, М.Л.Кричевский, М.М.Алектораская, В.Девлин, В.А.Бруммитт, Д.Н.Ермаков, А.К.Солодов, В.М.Бончик, И.А.Юрьева, Р.О.Восканян, Т.С.Есаулкова, С.В.Бровчак, А.И.Федотов, С.Н.Орлов, А.П.Шеметов ва Н.Н.Масюк илмий ишлар олиб борганлар<sup>2</sup>.

---

устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.  
<https://nrm.uz/contentf?doc=487295>

<sup>2</sup> Adam Smith. An Inquiri in to the Nature and Causes of the Weat theof Nations, New York, Random Hose.1937, Krichevskiy M.L. Finansovie riski. – M.: Izdatelstvo «KnoRus», 2012.-248 s., Алектораская М.М. Анализ суверенного фонда РФ // Проблемы региональной экономики: электронный научный журнал. -2013.-23 марта, Devlin W., Brummitt B. A Few Sovereigns More: The Rise of Sovereign Wealth Funds. EconomicRound-up (Spring 2007. - P. 119-136, Khmelevskaya S.A., Orlova I.U., Ermakov D.N. Analysis of investment activities of nonstate pension funds // International Journal of Civil Engineering and Technology. 2018. V.10. №11. P.2452-2459., Solodov A.K. Osnovi finansovogo risk-menedjmenta. «MasterPrint», 2018. S.13-18., Bonchik V.M. Negosudarstvennye pensionnye fondy. Finansovaya ustoichivost i aktuarnye raschety [Non-state pension funds. Financial soundness and actuarial calculations]. Moscow, Dashkov&Co Publ., 2014. 208p, I.A. Yureva va Masyuk N.N. Sistema upravleniya riskami negosuda-rstvennix pensionnix fondov//. Ekonomika i upravleniye. 2016. T. 5. № 4(17). Yureva I.A. Sovershenstvovaniye sistemi upravleniya razmesheniyem sobstvennix sredstv negosudarstvennix pensionnix fondov // Azimut nauchnix issledovaniy: Ekonomika i upravleniye. 2015. №3 (12). S.98-100., Xmirov V.V. Upravleniye kreditnimi riskami i riskami likvidnosti v deyate-lnosti negosudarstvennix pensionnix fondov. // Biznes v zakone.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Вахабов ва Н.Мажидов, Д.Ғофуров, И.Алмардонов, Б.Умурзақов, Р.Далимов ва Д.Рустамовнинг илмий ишлари ўрганиб чиқилди<sup>3</sup>.

Халқаро валюта фонди томонидан тузилган махсус ишчи гуруҳ томонидан мақсадли жамғармалар фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, Сантьяго принциплари ишлаб чиқилган<sup>4</sup>. Бунга кўра шаффофлик принциплари иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ва бозор энди шаклланаётган мамлакатлар мақсадли жамғармалари бошқарувчиларининг фондлар фаолиятини янада аниқроқ тушунишни таъминловчи комплексли асослар яратиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлари натижасидир дея таъриф берилган.

Ўзига мос инвестиция мақсади ва риск сиёсатига эга бўлмаган мақсадли жамғармаларда одатда у ўта даражада хатарли деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инвестицион қайтим инвестицияга йўналтирилган маблағлар сингари кам бўлади, бу эса активларни жойлаштириш жараёнини осонлаштиради.

“Жамғариб бориладиган жамғармалар тизимининг инвестицион фаолликка таъсири тадқиқ этилган ва уни ривожлантириш йўналишлари асослаб берилган, жамғармалар тизимини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси асосида миллий жамғармалар тизимини такомиллаштириш” бўйича таклиф тавсиялар ишлаб чиқилган<sup>5</sup>. “Бозор иқтисодиётининг шаклланиши шароитида меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш”<sup>6</sup> юзасидан илмий хулосалар берилган.

Ҳар бир мақсадли жамғарма алоҳида давлат миқёсида шаклланган ёки бирор-бир тузилма таркибида шаклланганлигидан қабти назар, улар ҳар томонлама мустақил, солиқ тўловчилар учун очиқ ва шаффоф бўлиши шартлиги, ана шундагина бу жамғармаларни нафақат солиқ ва йиғимлар ҳисобидан, балки маҳаллий ва халқаро миқёсда ҳомийлик маблағларини ҳам

---

2013. №3, Восканян Р.О. Финансовая грамотность как условие формирования финансовой культуры. *Azimuth of Scientific Research: Economics and Administration*. 2018. Т. 7. № 1(22), Esaulkova T. S. Risk Management for Investment / Placement of Pension Assets. In: *Bulletin of Moscow Region State University. Series: Economics*, 2020, no. 2, pp. 28–37., Brovchak S.V. Analiz riskov voznikayushix pri rabote negosudarstvennix pensionnix fondov [Elektronniy resurs].-Rejim dostupa: [http:// pension-npf.ru/index. php?src=233.html.](http://pension-npf.ru/index.php?src=233.html), Masyuk N.N. Sistema upravleniya riskami negosuda-rstvennix pensionnix fondov//. *Ekonomika i upravleniye*. 2016. Т. 5. № 4(17). Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // *Труды ИСА РАН*. 2008. № 38. – С. 168-173; Stalebrink J. Public pension funds and assumed rates of return: an empirical examination of public sector defined benefit pension plans // *American review of public administration*. 2014. № 1(44). – P. 92-111, Орлов С.Н., Шеметов А.П. Пенсионное обеспечение в Российской Федерации Монография. – Курган: КГУ, 2013. – С. 76-80.

<sup>3</sup> Вахабов А. ва Н.Мажидов Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Т.: Шарк. 2003. №7. -117 6 Проф. Б.Умурзаков Организационно-правовые аспекты совершенствования системы пенсионного обеспечения Узбекистана, Республиканская научно-практическая конференция: «Узбекистан: Старшее поколение населения как достояние семьи и общества.» республиканский научно-практический центр "оила" 2015 21 ноябрь проф Р.Далимов и.о. профессора кафедры «управление бизнесом» национального университета узбекистана, д.э.н. о негосударственной системе пенсионного страхования в Республике Узбекистан Доц. Д.Рустамов Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида риск менежментидан фойдаланишнинг устувор йўналишлари

<sup>4</sup> Суверен фондлар институтининг расмий сайти. –Sovereign Wealth Funds Institute (SWFI) <http://www.swfinstitute.org/fund-rankings>.

<sup>5</sup> Вахабов А., Мажидов Н. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. – Т.: Шарк. 2003. №7. -117 6.

<sup>6</sup> Проф. Б.Умурзаков Организационно-правовые аспекты совершенствования системы пенсионного обеспечения Узбекистана, республиканская научно-практическая конференция на тему: «Узбекистан: Старшее поколение населения как достояние семьи и общества», Республиканский научно-практический центр «Оила» 21 ноября 2015 года.

жалб этишдек имкониятга эга бўлади. Бу эса ўз навбатида, мазкур мавзунини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Банк-молия академиясининг ПЗ-20170929152-сон “Ўзбекистонда инвестицион муҳитни янада яхшилаш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш мақсадида глобал иқтисодий ва инновацион ривожлантириш индексларида иштирокини кенгайтиришни илмий-услубий тадқиқ қилиш” мавзусидаги устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда давлат мақсадли жамғармаларининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мақсадли жамғармаларнинг ҳуқуқий меъёрларга риоя қилинишини ўрганиш асосида муаммоларни аниқлаш;

мақсадли жамғармаларнинг хориж тажрибасини ўрганиш орқали такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш;

мақсадли жамғармаларнинг рискларни бошқариш ва ҳисобдорлик, тегишлича операцион назоратни кўзда тутувчи фондни бошқаришни ташкилий шаффоф ва мустаҳкам структурасини қўллаб-қувватлашни ўрганиш асосида таклиф бериш;

мақсадли жамғармаларни нафақат иқтисодий ва молиявий рискни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, даромадлилик нуқтаи назаридан инвестиция киритишининг кафолатлигини ўрганиш асосида таҳлил қилиш;

мақсадли жамғармалар ёрдамида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини кўшимча маблағлар билан таъминлашни ўрганиш асосида таклиф бериш;

мақсадли жамғармалар ёрдамида аҳоли учун ижтимоий хизматларни кенгайтириш ва уларни молиялаштиришни асослаш;

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда давлат мақсадли жамғармаларининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тизими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** давлат мақсадли жамғармаларининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланишда юзага келувчи иқтисодий-молиявий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари** диссертация ишида эксперт баҳолаш, индукция ва дидукция, анализ ва синтез, эконометрик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

давлат мақсадли жамғармаларидан самарали фойдаланиш мақсадида бўш турган маблағларни Марказий банкнинг асосий ставкасидан кам бўлмаган миқдорда депозитга жойлаштириш таклиф этилган;

давлат бюджети маблағларини тежаш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларини концессия (хўжалик субъектлари ва хориж капиталини жалб қилиш шакли) асосида ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

давлат мақсадли жамғармаларидаги бўш турган молиявий ресурсларни инвестор сифатида маҳаллий ва хорижий фонд бозорларига йўналтириш орқали жамғармаларнинг инвестицион фаолиятини ташкиллаштириш таклиф этилган;

давлат мақсадли жамғармаларини шаклидан қатъий назар Сантьяго принциплари асосида шакллантирган ҳолда мустақил ҳамда солиқ тўловчилар учун даромад ва харажатларини очик, шаффоф бўлиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

давлат мақсадли жамғармаларини хориж тажрибаси асосида шакллантириш ҳамда уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш таклиф этилган;

Ўзбекистон Республикасида давлат мақсадли жамғармаларини турли шаклларда ташкил этиш ҳамда уларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш тавсия этилган;

мамлакатимизда давлат мақсадли жамғармаларининг айримларига резидент ва норезидент инвесторларни жалб этиш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш таклиф этилган;

мақсадли жамғармалар молиявий ресурсларини қисқа муддатли инвестицион опреацияларга, хусусан, фонд бозоридаги қимматли қоғозларга йўналтириш орқали қўшимча даромад манбаига эга бўлиши тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Қўлланилаётган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларни расмий манбалардан, хусусан, Молия вазирлиги, Давлат Статистика қўмитасидан олинганлиги, мақсадли жамғармаларга доир меъёрий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг эксперт баҳолари ва илмий натижаларидан фойдаланилганлиги, шу билан бирга тегишли хулоса ва таклифларнинг Молия вазирлигида амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда мақсадли жамғармалар механизмини такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистонда мақсадли жамғармалар маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш билан шуғулланувчи тузилмалар (Республика йўл жамғармаси, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси ва б.) фаолиятида унинг натижаларини қўллаш имконияти ташкил этади. Амалиётда муаллиф тавсияларидан мақсадли жамғармалар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Давлат мақсадли жамғармаларидан фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

давлат мақсадли жамғармаларидан самарали фойдаланиш мақсадида бўш турган маблағларни Марказий банкнинг асосий ставкасидан кам бўлмаган миқдорда депозитга жойлаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат мақсадли жамғармаларининг

намунавий низоми” лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 августдаги 06/03-32/1173-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида давлат мақсадли жамғармаларига (пенсия жамғармаси маблағларидан ташқари) 2703,9 млрд. сўм маблағ бўш маблағларни банк депозитларига 14 фоиздан жойлаштириш натижасида йилига 378.5 млрд. сўм қўшимча маблағ олиш имконини берган;

давлат бюджети маблағларини тежаш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларини концессия (хўжалик субъектлари ва хориж капиталини жалб қилиш шакли) асосида ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат мақсадли жамғармаларининг намунавий низоми” лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 августдаги 06/03-32/1173-сон маълумотномаси). Натижада давлат бюджетидан 1218,4 млрд. сўм маблағ тежалиб, маҳаллий ва хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобига шаклланишига эришилган;

давлат мақсадли жамғармаларидаги бўш турган молиявий ресурсларни инвестор сифатида маҳаллий ва хорижий фонд бозорларига йўналтириш орқали жамғармаларнинг инвестицион фаолиятини ташкиллаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Давлат мақсадли жамғармаларининг намунавий низоми” лойиҳасига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 августдаги 06/03-32/1173-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида давлат мақсадли жамғармалари томонидан 1757,8 млрд. сўм микдорда маҳаллий фонд бозорига инвестиция киритиш мўлжалланган;

давлат мақсадли жамғармаларини шаклидан қатъий назар Сантьяго принциплари асосида шакллантирган ҳолда мустақил ҳамда солиқ тўловчилар учун даромад ва харажатларининг очиқ, шаффоф бўлиши таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 7 майдаги 3299-сон “Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтларида маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги низомининг 3- ва 7-бандларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 5 августдаги 06/03-32/1173-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф натижасида давлат мақсадли жамғармаларининг 31510,1 млрд. сўм даромадлари ҳамда 54196,1 млрд. сўм харажатлари ижроси тўғрисидаги маълумотлар ўз веб-сайтларида жойлаштирилишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган ҳамда тезислар нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий иш, шу жумладан, Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий илмий нашрларда 4 та ва нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола нашр этилди.


**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг асосий матни ҳажми 147 бетни ташкил этди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Давлат мақсадли жамғармаларининг назарий асослари ва хориж тажрибаси”** деб номланган биринчи бобида давлат мақсадли жамғармаларининг шаклланиши ва унинг назарий асослари ҳамда мазкур жамғармаларнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурати ўрганилган. Шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳуқуқий асослари, нодавлат мақсадли жамғармаларининг молиявий активларини бошқаришда молиявий рискларни бошқаришнинг асосий хусусиятлари ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бўйича хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш йўллари назарий жиҳатдан ёритиб берилган.

Бугунги кунда мамлакатнинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш ва ривожлантириш бўйича тадбирлар асосий ўринга кўтарилмоқда. Бундай масалаларни ҳал қилишда мақсадли жамғармаларнинг ўрни бениҳоя салмоқли бўлмоқда. Давлат мақсадли жамғармалари марказий ёки маҳаллий ҳукумат органлари тасарруфида бўлган ва мақсадли йўналтирилган молиявий воситалар йиғиндисини ифодалайди.



**1-расм. Мақсадли жамғармалар даромадларини қайта тақсимлаш усуллари<sup>7</sup>**

<sup>7</sup> Пупынин К.Н. (2011) Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс. кан. экон. наук. москва, 24 с. (Pupynin K.N. (2011) Application of foreign experience of functioning of sovereign investment funds for

Муаллифнинг фикрича, ҳар бир мақсадли жамғарма алоҳида давлат миқёсида шаклланган ёки бирор-бир тузилма таркибида шаклланганлигидан қатъий назар улар ҳар томонлама мустақил, солиқ тўловчилар учун очик ва шаффоф бўлиши шарт. Ана шундагина бу жамғармаларни нафақат солиқ ва йғимлар ҳисобидан, балки маҳаллий ва халқаро миқёсда ҳомийлик маблағларини ҳам жалб этишдек имкониятга эга бўлинади.

Мақсадли жамғармаларнинг таърифланиши мақсадли жамғармалар давлат молияси тизимининг таркибий бўғини бўлиш билан бирга, бир неча ўзига хос хусусиятларга эга.



**2-расм. Давлат мақсадли жамғармаларнинг таснифланиши<sup>8</sup>**

Ҳозирги кунда нодавлат фондларини шакллантиришда муаммоларга дуч келиниши мумкин.

Нодавлат фондларининг инкироздан чиқиб кетиш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Рискларни баҳолаш, асосан учта усул орқали амалга оширилади<sup>9</sup>:

- 1) статистик маълумотлар асосида юзага келувчи ахборотларни олдинги йилга нисбатан таҳлил қилиш;
- 2) назарий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- 3) экспертлар орқали умумий хулосалар чиқариш.


the Reserve Fund and the National Welfare Fund of the Russian Federation. Abstract of thesis. dissertation. economic sciences. Moscow, 24 p.)

<sup>8</sup> Пупынин К.Н. (2011) Применение зарубежного опыта функционирования суверенных инвестиционных фондов для Резервного фонда и Фонда национального благосостояния РФ. Автореф. дисс. кан. экон. наук. москва, 24 с. (Pupynin K.N. (2011) Application of foreign experience of functioning of sovereign investment funds for the Reserve Fund and the National Welfare Fund of the Russian Federation. Abstract of thesis. Dissertation economic sciences. Moscow, 24 p.)

<sup>9</sup> Кредитный рейтинг Материал из Википедии — свободной энциклопедии <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

Нодавлат мақсадли жамғармалар молиявий муносабатларининг бошқа субъектлари сингари жуда жиддий молиявий хатарларга дуч келиши мумкин. Молиявий хатарлар куйидаги турларга ажратилади: кредит рисқи, нарх ёки бозор рисқи, ликвидлилик рисқи, валюта рисқи, инфляция рисқи, биржа рисқи ва фоиз рисқлари.

Фондлар активларини бошқаришни тартибга солишнинг асосий тамойилларидан бири меъёрий талаблар ҳажмининг мақсадли жамғармаларни бошқариш субъектлари томонидан қабул қилинувчи хатарларни бошқаришдир.



**3-расм. Нодавлат мақсадли жамғармалар рисқлари таснифи<sup>10</sup>**

Маълумки, хорижий мамлакатлар молия тизимида мақсадли жамғармалар алоҳида ўрин тутди. Уларда жамланадиган маблағлар ҳажм юқори бўлиб, масалан, Франция ва Японияда махсус жамғармаларнинг миқдори жиҳатидан мамлакатнинг давлат бюджетига яқин.

Японияда давлат харажатларининг ярмидан кўпи ана шундай жамғармалар ҳисобидан молиялаштирилса, Буюк Британияда бу кўрсаткич бюджетнинг учдан бир қисмини ташкил этади. Албатта, бу жамғармаларнинг ижтимоий ва иқтисодий вазифалари мавжуд. Давлат бу жамғармаларнинг маблағлари билан ишлаб чиқариш жараёнига аралашади, ташкилот ва муассасаларга кредитлар ва субсидиялар беради, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатади<sup>11</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, махсус жамғармаларнинг маблағларидан фойдаланишга кўра иқтисодий, ижтимоий, шахсий ва мол-мулкни суғурталаш, илмий тадқиқот, ҳарбий-сиёсий, халқаро жамғармаларга бўлинади. Иқтисодий жамғармаларнинг маблағлари хусусий компаниялар ва

<sup>10</sup> Финансовый менеджмент: учебник / Г. Б. Поляк [и др.]; под редакцией Г. Б. Поляка. — 4-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2018. — 456 с. — (Авторский учебник). — ISBN 978-5-9916-4395-5. — Текст: электронный // ЭБС Юрайт [сайт]. — URL: <https://urait.ru/bcode/411109> (дата обращения: 23.06.2021).

<sup>11</sup> Финансовый менеджмент: учебник / Г.Б. Поляк [и др.]; под редакцией Г. Б. Поляка. — 4-е изд., перераб. и доп. — Москва: Издательство Юрайт, 2018. — 456 с. — (Авторский учебник). — ISBN 978-5-9916-4395-5. — Текст: электронный // ЭБС Юрайт [сайт]. — URL: <https://urait.ru/bcode/411109> (дата обращения: 23.06.2021).

кам рентабелли давлат корхоналари, асосан, иқтисодиётнинг ривожланиш давлари кризис пайтида молиялаштириш учун йўналтирилади.

Мақсадли жамғармалар баъзан ижтимоий эҳтиёжларни молия билан таъминлаш учун давлат томонидан жалб этилувчи ва оператив мустақиллик асосида комплекс равишда сарфланувчи молия ресурсларини қайта тақсимлаш ва фойдаланиш шаклидир.



**4-расм. Нодавлат мақсадли жамғармаларига хос рискларни бошқариш bosқичлари<sup>12</sup>**

Иқтисодиётнинг турли соҳалари ривожланиб бораётган даврда давлат-хусусий шериклик дунёнинг бир нечта мамлакатларида АҚШ, Канада, Европа иттифоқи давлатлари, Австралия, Ҳиндистон ва бошқа ривожланган давлатларда кенг тарқалган. Давлат-хусусий шериклик механизми давлат ва бошқа лойиҳаларни хусусий маблағлар ҳисобидан молиялаштиришни таъминлаш учун миллий ҳамда халқаро даражада қўлланилади.

Давлат-хусусий шериклик жараёнларини қўллаш ижобий натижалар берган бўлиб, хусусий сектор маблағларини жалб этиш ҳисобига давлат олдида турган вазифа ва муаммоларни ҳал этишнинг ҳақиқий имкониятларини кўрсатиб берган.

Буюк Британияда давлат-хусусий шерикликни қўллаш тажрибаси унинг бошқа мамлакатларда тарқалишига ёрдам берган.

Мамлакатимизда бу тизим, яъни давлат хусусий шерикчилиги мақсадли

<sup>12</sup> Финансовый менеджмент: учебник / Г.Б. Поляк [и др.]; под редакцией Г.Б. Поляка. – 4-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2018. – 456 с. – (Авторский учебник). – ISBN 978-5-9916-4395-5. – Текст: электронный // ЭБС Юрайт [сайт]. – URL: <https://urait.ru/bcode/411109> (дата обращения: 23.06.2021).

жамғармалар тизимида умуман шаклланирилмаган, аксинча манапол сифатида шакллантирилиб, Молия вазирлиги тизимида ва давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақлаб турилибди.

Диссертациянинг “**Давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва фойдаланишнинг амалдаги ҳолати таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида мақсадли жамғармалар маблағларининг бюджетдан молиялаштириш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларининг амалдаги ҳолати, хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ривожлантиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Шу билан бига мақсадли жамғармалар ресурсларидан самарали фойдаланиш ва жамғармалар маблағлари ҳисобидан харажатлар йўналишларига инвестициялардан фойдаланишнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.

Давлат бюджетидан молиялаштиришда мамлакатларда турли усуллардан фойдаланилиб, маблағлар тақсимланади. Бюджет харажатларини йўналтириш ва улардан мақсадли фойдаланиш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Муаллифнинг фикрича, бюджетдан молиялаштириш усуллари кандай бўлиши давлат зиммасидаги масалаларни ўзгартиришни тақозо этиши керак эмас. Бюджетдан молиялаштириш усулларида фойдаланишдан кўзланган мақсадга эришиш самарали эканлигини ифода этиш шарт. Шу боисдан, давлат стратегик мақсадларига бюджет харажатларини уйғунлаштириш лозим. Бу эса, бюджет харажатларини амалга оширишда бозор иқтисодиёти тамойилларидан кенг фойдаланишни ифода этади.

Ўтказилган корреляцион таҳлил жами даромадлар ва маҳсулотларни сотиш ҳажмидан ажратмалар ҳамда сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан мазкур воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғимлар ўртасида 95 % ишончли корреляцион боғланиш мавжудлигини кўрсатади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзгарувчилар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик<sup>13</sup>**

|      | Var1   | Var2    | Var3   | Var4   | Var5    | Var6    | Var7   |
|------|--------|---------|--------|--------|---------|---------|--------|
| Var1 | 1.0000 | 0.3206  | 0.9131 | 0.9489 | 0.4035  | 0.8399  | 0.8715 |
| Var2 | 0.3206 | 1.0000  | 0.0198 | 0.5510 | -0.1301 | 0.5211  | 0.6124 |
| Var3 | 0.9131 | 0.0198  | 1.0000 | 0.8287 | 0.5005  | 0.7725  | 0.7931 |
| Var4 | 0.9489 | 0.5510  | 0.8287 | 1.0000 | 0.4397  | 0.8570  | 0.9620 |
| Var5 | 0.4035 | -0.1301 | 0.5005 | 0.4397 | 1.0000  | -0.0038 | 0.3120 |
| Var6 | 0.8399 | 0.5211  | 0.7725 | 0.8570 | -0.0038 | 1.0000  | 0.9256 |
| Var7 | 0.8715 | 0.6124  | 0.7931 | 0.9620 | 0.3120  | 0.9256  | 1.0000 |

<sup>13</sup> Муллиф томонидан корреляцион таҳлиллар асосида аниқланган натижалар

Жадвалда, var1 – жами даромадлар; var2 – даромадлар; var3 – маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан ажратмалар; var4 – сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан бу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган; var5 – хорижий давлатларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган ёки транзит автотраспорт воситалари учун йиғим; var6 – халқаро молиявий институтларнинг займлари; var7 – бошқа тушумлар.

Корреляцион таҳлил натижаларидан фойдаланиб, бу ўзгарувчилар орасидаги регрессион боғланиш аниқланди. Бу боғланиш 2-жадвалда ва куйидаги боғланиш кўринишида ҳосил бўлади:


$$Var1 = 1,0185 \cdot Var3 + 1,811 \cdot Var4 + 558,1332$$

2-жадвал

Ўзгарувчиларнинг регрессион боғлиқлиги<sup>14</sup>

|          | b        | Std.Err. | t(2)     | p-value  |
|----------|----------|----------|----------|----------|
| Озод ҳад | 558.1332 |          | 0.872789 | 0.474810 |
| Var3     | 1.0185   | 0.277866 | 1.456390 | 0.282581 |
| Var4     | 1.8110   | 0.277866 | 2.207878 | 0.157932 |

Тузилган моделнинг ўрганилаётган Республика йўл жамғармаси даромадига таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланишни график усулида ҳам кузатиш мумкин.



5-расм. Йўл жамғармаси даромадларига таъсир этувчи омиллар орасидаги боғланиш<sup>15</sup>

<sup>14</sup> Муллиф томонидан регрессин таҳлиллар асосида аниқланган натижалар

<sup>15</sup> Муллиф томонидан моделлар таҳлиллари асосида аниқланган натижалар

Расмдан кўриниб турибдики, жами даромадларнинг берилган қийматлари ва модель ёрдамида олинган қийматлари орасидаги фарқ жуда кичик бўлиб, модель ўрганилаётган жараёни 95 % аниқликда ҳисоблаб беради.

Юқорида жадвал маълумотларига кўра, var3 ва var4 ўзгарувчилар ҳажмининг 1% га ошиши Республика йўл жамғармаси даромадлари ошишига олиб келган. Аммо ўсиш кўлами жуда паст даражада бўлган. Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни сотиш ҳажмдан ажратмалар ҳажми (var3) 1% га ошиши Республика йўл жамғармаси даромадларини атиги 0.08 %га оширган. Сотиб олинган ва вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларни сотиб олганлар (фойдаланувчилар) томонидан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғимлар суммасининг ўсиши (var4) 1% га ошиши эса Республика йўл жамғармаси даромадларини атиги 0.036 %га оширган.

Бунда регрессион таҳлилининг R-квадрати 0.95 га тенг эканлиги ҳамда ҳар бир ўзгарув бўйича баҳоланган R-қийматлар кичкина эканлиги таҳлилнинг ишончлилиги даражаси юқори эканлигини англатади. Шунингдек, барча баҳоланган коэффициентлар учун ҳисобланган R-қийматларнинг 0.05 дан кичкина эканлиги коэффициентларнинг статистик аҳамияти юқори эканлигини билдиради. Яъни жамғармаларнинг доимий ўз даромад манбаига эга эмаслиги ва фақатгина бюджетдан бериладиган трансфертлар ҳисобига шаклланиши ушбу жамғармаларнинг истиқболи мавжуд эмаслигини англатади.

Европа мамлакатлари мисолида, йўлларни қуриш ва ундан фойдаланиш турли соҳаларда амалга оширилиб, давлат йўлларини ўз маблағлари ҳисобидан қуриб, уни таъмирлаш учун бошқа ташкилотларни жалб этган ҳолда, шартнома асосида имтиёзлар беради. Акс ҳолларда эса, автомобиль йўлларини қурадиган ташкилотлар акцияларининг бир қисмига эгалик қилади.

Шунингдек, давлат турли тарзда ташкил этилган хизмат кўрсатувчи ташкилотларни концессионер тарзда жалб этиб, ижара асосида хизмат кўрсатишни ташкил этади. Йўлларни ижарага олган тадбиркорлар йўл четларида сервис соҳаларини ривожлантириб боради. Мазкур амалиётнинг мамлакатимизда ҳам кенг қўлланилиши яхши самара беради. Бироқ мамлакатимизда бу каби жаҳон тажрибаларидан умуман фойдаланилмаяпти.

Давлат-хусусий сектор ҳамкорлигига шундай таърифлаш мумкин, яъни иқтисодий жараёнларга кўра инфратузилма объектларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш, режалаштириш, қуриш ва фойдаланиш мақсадида ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида молиявий ҳамда хўжалик муносабатларини шакллантиришнинг анъанавий моделларини ривожлантириш натижасидир. Шунинг учун давлат-хусусий шерикликни молиялаштиришга қўшимча манбаларни жалб этиш мақсадидаги узок муддатли ўзаро ҳамкорлик деб таърифлаш мумкин. Шунингдек, давлат-хусусий шерикликнинг бир неча моделлари мавжуд. Шунга кўра, давлат-хусусий шериклик маълум турдаги соҳага амалиётга қўлланилиши баробарида соҳаларнинг қайси бирида амалга

оширилишига боғлиқ<sup>16</sup>.

Мамлакатимизда ҳам давлат хусусий шеркчилигида йўллар қурилишига эътибор берилса, йўллар четидаги (сервис) хизмат кўрсатиш объектлари хусусий шерикларга концессия шартномаси асосида фойдаланиш учун берилса, мазкур тадбиркорларни бу соҳага жалб этишда бир дастак бўлар эди, ҳамда уларнинг қизиқиши ортишига сабаб бўлар эди.

Йўллар қурилишида давлат-хусусий шерикликда қуйидаги; Яъни **биринчи модель**, “Build-operate-transfer”<sup>17</sup>, яъни “Қуриш, фойдаланиш, бошқариш, топшириш”, **иккинчи модель**, “Rehabilitation-operate-transfer”<sup>18</sup>, яъни “Реабилитация, фойдаланиш, топшириш”, **учинчи модель**, “Build-lease-own”<sup>19</sup>, яъни “Қуриш, лизинг, фойдаланиш, топшириш”, **тўртинчи модель**, “Build-own-operate-transfer”<sup>20</sup>, яъни “Қуриш ва эгалик қилиш, фойдаланиш, бошқариш ҳамда топшириш”, **бешинчи модель**, Design-build-own-operate<sup>21</sup>, “Лойиҳалаш, қуриш, унга эгалик қилиш, фойдаланиш, бошқариш ва топшириш” шаклларида концессия шартномаси асосида фойдаланиш мумкин.

Японияда жуда кўп кредит фондлари мавжуд. Жумладан, молиявий корпорациялар фондлари ва махсус банклар жамғармалари (Япония экспорт ва импорт банклари, Япония ривожлантириш банклари, қишлоқ хўжалиги учун марказий кооператив банклари) мавжуд. Молиявий корпорациялар жамғармалари бюджет маблағлари, шунингдек, бериладиган кредитлар фоизлари ҳисобига ташкил этилади. Бу жамғармалар инқирозга юз тутган корхоналарни молиялаштириш ёки бошқа кредит манбаига эга бўлмаган компанияларга молиявий ёрдам бериш мақсадида уларга чегирма фоизларда қарз ажратади.

Кредит жамғармалари давлат жамғарма кассалари ва бошқа кредит ташкилотлари ихтиёридаги маблағлар бўлиб, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шартини қўяди. Бу жамғармалардан давлат буюртмалари бажарилади ва мамлакат бевосита ривожланади. Шунинг ҳисобига олган ҳолда, ҳар бир иқтисодиётда ҳам мақсадли жамғармалар мавжудлиги шу давлатнинг барқарор тараққиёти мезонидир.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида молиявий саводхонлик мақсадли жамғармалар инвестицион фаолиятини ривожлантириш омили сифатида, мақсадли жамғармалар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

---

<sup>16</sup> Esaulkova T. S. Risk Management for Investment / Placement of Pension Assets. In: Bulletin of Moscow Region State University. Series: Economics, 2020, no. 2, pp. 28–37.

<sup>17</sup> Build–operate–transfer (BOT) or build–own–operate–transfer (BOOT) <https://en.wikipedia.org/wiki/Buildtransfer>

<sup>18</sup> Rehabilitation Operate Transfer. <https://www.google.com/search?q=ECRehabilitation-operate-transferrlz>

<sup>19</sup> Build lease transfer BLT [https://www.designingbuildings.co.uk/wiki/Build\\_lease\\_transfer\\_BLT](https://www.designingbuildings.co.uk/wiki/Build_lease_transfer_BLT)

<sup>20</sup> Build–operate–transfer (BOT) or build–own–operate–transfer (BOOT) [https://en.wikipedia.org/wiki/Buildoperate\\_transfer](https://en.wikipedia.org/wiki/Buildoperate_transfer)

<sup>21</sup> build-own-operate-transfer (BOOT) or the [build-operate-transfer](https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/4-501-4896?transitionType=Default&contextData=(sc.Default)) (BOT) [https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/4-501-4896?transitionType=Default&contextData=\(sc.Default\)](https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/4-501-4896?transitionType=Default&contextData=(sc.Default))

Алоҳида шахснинг молия борасидаги билим ва кўникмалари пировардида бутун жамият иқтисодий ҳаётининг муваффақияти ва барқарорлигини белгилаб беради. “Аҳолининг молиявий жиҳатдан саводсизлиги нафақат шахсий фаровонликка, балки бутун молиявий соҳага салбий таъсир кўрсатади. Глобал миқёсда бу ҳолат мамлакат иқтисодиётини молиявий инқирозга олиб келиши мумкин”<sup>22</sup>.



**6-расм. Мақсадли жамғармаларни ўрганишда аҳолининг молиявий саводхонлик даражасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг турли даражалар бўйича табақаланиши<sup>23</sup>**

Шунга кўра у қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатади:

- 1) мамлакатдаги иқтисодий таълим даражаси;
- 2) молиявий инфратузилма мавжудлиги ва ривожланганлик даражаси;
- 3) аҳолининг иқтисодиётга ишонч даражаси;
- 4) молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари.

Муаллифнинг фикрича, аҳоли молиявий саводхонлиги тушунчаси ўта даражада умумлаштирилган мазмун касб этиб, у молиявий саводхонлик

<sup>22</sup> молиявий саводхонлик ўзи нима, у нима учун долзарб? <https://bankers.uz/never-stop-learning>

<sup>23</sup> Улуғмуродов Д. молиявий саводхонлик нима? - <http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10461-moliyaviy-savodkhonlik-nima>.

даражасига таъсир кўрсатувчи омилларнинг юқорида келтирилган таснифи тўлиқ ифодамайди. Унинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ кириб бориш ўз навбатида, мазкур тушунчанинг турли даражаларини табақалаштиришни тақозо этади.

2021 йил консолидациялашган бюджетининг даромадлари 178712.4 млрд. сўм бўлса, шундан мақсадли жамғармалари Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан бирга бюджети даромади 31510.1 млрд. сўм ёки консолидациялашган бюджетнинг 17.6 фоизини ташкил этган<sup>24</sup>.

### 3-жадвал

#### 2021 йил учун Ўзбекистон консолидациялашган бюджетининг жамланма параметрлари ҳамда 2022-2023 йилларга бюджет мўлжаллари<sup>25</sup>

(млрд.сўм)

| Кўрсаткичлар   | 2021 й.<br>учун | Бюджет мўлжаллари: |           |
|--|-----------------|--------------------|-----------|
|  |                 | 2022 й.            | 2023 й.   |
| Консолидациялашган бюджет даромадлари  | 178 712,4       | 208 371,3          | 238 954,0 |
| Давлат бюджети даромадлари   | 147 202,3       | 173 550,2          | 200 708,6 |
| Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари   | 26 173,9        | 28 251,7           | 30 544,5  |
